

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган




2002 йил 1 август пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 157 (2985)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

30 июль. Токио. Ўза махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Президент Ислам Каримов Япониянинг энг нуфузли олий ўқув юртидан бири — Васеда университетига ташриф буюрди. Шу муносабат билан мазкур илм даргоҳида бўлиб ўтган учрашувда университет ректори Окушима Такаюсу Ислам Каримовнинг давлатни бошқариш, ривожлантириш ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустахкамлаш борасидаги улкан хизматларини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон эришадиган ютуқлар, хусусан, изчиллик билан амалга ошириладиган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам аҳамияти катта эканлигини қайд этди.



31 июль. Токио. Ўза махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Бугун Президент Ислам Каримов Япониянинг иқтисодий, савдо ва саноат вазири Т.Хиранумани қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида товар айриб-юшатиш ва ўзбекистонга киритиладиган Япония сармоясини кўпайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Мамлакатимиз раҳбари Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) раиси О.Ватанабени қабул қилди. Ушбу ташкилот икки йил аввал Ўзбекистонда ваколатхона очган. Япония билан мамлакатимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларда JETRO-

нинг салмоқли ўрни бор. Учрашувда ана шу ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласи мулоқотнинг асосий маззуси бўлди. Ислам Каримовнинг яна бир учрашуви «Марубени» корпорацияси президенти Т.Цуджи билан ўтказилди. Бу корпорациянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги мамлакатимизда амалга оширилган ва ошириладиган йирик лойиҳаларда ўз ифодасини топган. Масалан, «Оқсарой тўқимачи ЛТД», «Чиноз тўқимачи ЛТД» каби тўқимачилик кўшма корхоналарида «Марубени»нинг техника ва технологияси ишга солинган. Яхши мазмунли, мазкур корпорациянинг маҳсулоти асосан экспортга кетади, хорижда эса мижозлари кўп. Мамлакатимиз раҳбари билан суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик қўлами ва қирраларини кўпайтириш хусусида сўз борди.

Ўзбекистон Президенти машур «Сони» корпорациясининг кўргазма марказида мазкур корхонанинг техника ва технология соҳасида эришган сўнгги ютуқлари билан танишиди, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини кўздан кеҳиди. Шу билан Ислам Каримовнинг Японияга ташрифи ниҳоясига етди. Президент Токионинг «Ханеда» аэропортидан Ватанимизга жўнаб кетди. Шу кун Президент Ислам Каримов Тошкентга етиб келди. СУРАТДА: расмий ташрифдан лавҳа. Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

Васеда университети Илмий кенгашининг қарорига биноан Ислам Каримовга мазкур олий ўқув юртининг фахрий доктори унвони берилди. Президентга бу ҳақдаги хужжат топширилди ва докторлик мантисаи кийдирилди. Ингилisht сўнггида Ислам Каримов ўзбекистонлик талабалар билан мулоқотда бўлди. Ўзбекистон учун замонавий кадрларнинг аҳамияти, бу бордада мамлакатимизга Япония томонидан кўрсатиладиган ёрдам ҳақида сўзлади. Япониянинг турли олий ўқув юртиларида етмишга яқин ўзбекистонлик талаба таълим олмақда. Шу кун Япония билан Япония ҳукуматлари ўртасида 348 миллион иен миқдордаги грант ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу хужжат яна 20 нафар ўзбекистонлик йигит-қизнинг Японияда таҳсил олиши учун имконий яратди. Президентимизнинг Японияга ташрифи учрашувларга бой кечмоқда. Ислам Каримов «Империял» меҳмонхонасида Президент Шинжиро Шимидзун қабул қилди. Ушбу компания мамлакатимиздаги қўлаб йирик лойиҳаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Учрашувда Ўзбекистон билан «Мицуй» ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, амалга ошириладиган ва келгусида ижро этилиши мўлжалланган кўшма лойиҳаларга оид масалалар муҳокама қилинди. Президент Ислам Каримов Япония Либерал-демократик партиясида сайланган депутатлар билан учрашди. Унда Япониянинг собиқ бош вазири Исиро Мори, ЛДПнинг сенейи ишлар бўйича комиссияси раиси, «ЛДП — Ўзбекистон» дўстлик лигаси президенти Таро Асо, Лига бош котиби Нарияки Накаяма давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришига умид билдирди. «Токио Каикан» меҳмонхонасида Япония ишбилармонлари вакиллари билан учрашувда Ислам Каримов Ўзбекистондаги буюк ўзгаришлар, хорижий сармоядорлар учун яратилган қўлай шароитлар ҳақида сўзлади.

2002 йил — Қарияларни кадрлаш йили

Кексалар миннатдор

Самарқанд вилояти Ургут тумани ҳокимлиги томонидан нуруний отахон ва онахонлар учун азим пойтахтимиз Тошкентга савҳат ташкил этилди. Юз нафардан ортиқ табаррук нуруний мустақиллик йилларида янада чирой очган пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, замонавий иморатлари, сўлим боғ ва хиёбонлари, фаввораларини томоша қилди, оромгоҳларда хордиқ чиқарди. — Иккинчи жаҳон уруши арафасида — ҳарбий кетаётган Тошкентда тўхтаб ўтандим, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Раҳмон бобо Баротов. — Ушбу вақтдаги шаҳар билан ҳозирги сини солиштирсак, осмон билан ерча фарқ бор. Яна шунинг айтмоқчиманки, мустақилликнинг ўн биринчи йили, айниқса, ҳосиятли ва баракали келди. Омборларимиз донга тўлди, турмушимиз янада фаровонлашди. Юртимизда — тинчлик ва озошхоналик. Бунинг учун, аввало, Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Замон ЭШОНҚУЛОВ, Ўза мухбири.

Уқинг!

«Олибсотар» бўлган журналист

Шоҳона уйга келин бўлган қиз уч ой деганда маҳаллага қайтиб келди.

2-бет

Бунчалар азизсан, озодлик қадрри!

Оҳори тўқилмаган сўз

Дунёда ҳамма нарсанинг ўз ўлчови, мезони, ҳудуди, чекки-чегараси, бўй-басти, қамрови бор. Лекин шундай бир тушунча ва воқелик борки, унинг мазмун ва моҳиятини, қадр ва қимматини ҳали ҳеч бир донишманд мукамал таъриф ва тасвир еттолмаган. У Озошлик... Мўқаллас бу калимани ҳар кун юз бора, минг бора такрорлашимиз мумкин. Лекин ҳеч қачон тоғлардан-да залворидроқ мазмун-моҳиятини пўтур етмайди. Бу калом — оҳори тўқилмайдиган сўз. Билмакс, у қалбга ўрнашади ва дил ҳам уни такрорлайди, ўзи ҳам шу сўзга сингиб кетади, гўёки куёш зилот сув кўксига қўнқандек. Озошлик... Бу сўзни озошликка ташна бўлганлар саҳрода лаблари куриб, тили танглайга ёпишган саҳройи каби Оллоҳ номига қўшиб такрорлайди. Инсон ўз кулбасида яшаб, ўз дағдларини кезиб, ўз Ватанида туриб ҳам гўёки зах ертўлада ўсган нурга интиқ жинжақдек озошликка муштоқ бўлиши мумкин. Бунга ўтган бир юз ўттиз йиллик ҳаётимиз гувоҳ. Аввал чоризм мустақиллиги, кейин «қизил йиллар» ниқобидagi етмиш йилдан бозор давом этган шўро мустақиллиги буюк бир халқ тарихининг «қора доғ-

лари» бўлиб ўтмиш саҳифаларига муҳрланди. Лекин доридомон Хуррият йўлида халқимизнинг не-не улуг фарзандлари жувонамғ жонларини фидо этмади? Бугун дунё тан олаётган Ўзбекистоннинг фахри-ғурурида, буюк халқнинг мард ўғлини Президент Ислам Каримовнинг фақуллада жа-соратида — юрт тинчилиги учун ота-она, фарзанд ва оиладан кечган, лекин шу юртининг бир қарич ери учун орият жангига кирган Турк ҳоқонининг гурури, ёвқур Мукананининг исёнкорлиги, Жалалиддин Мангубердиннинг жасорати, Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг мислсиз шон-шавкати ва адолати, Бобур Мирзонинг она юртва бўлган буюк муҳаббати, халқ ардоқлаган Номоз ботирининг раиятпарварлиги, генерал Жўрабек ва баҳодир Алимқул ҳамда Санжар Соҳибқироннинг шу юртга жонфидолиги, Чўпон, Қодирий, Усмон Носирнинг улуг муҳаббати мўжасам! О, Озошлик, сенинг таърифингни ким ҳам сўнгигача айта олиши мумкин? Сени англаш ва қадрлаш учун минглаб сабаблар-у, миллионлаб оқибатлар мавжуд. Шу ўринда яқиндагина тоғам ҳижок қилиб берган бир воқеа эсимга тушади.

бўлди, қариялар билан ўтган кунларни, эслади. Эрталаб отам ақасининг отини етаклаб келди ва мени эгарга миндириб: — Болам, момонинг қишлоғига қўйиб кел, — деди ва юганини қўлимга берди. — Отни аста-аста ҳайла! Биз йўлга тушдик. От қанча секин юрмасин, қирлардан ошиб бораётганини тўғрайли силқинарди, момом эса ўф тортиб қўярди. — Отнинг юриши сизни қўйиб қўйимиз? — дедим. — Эй болақоним, мени от эмас, олис хотира қийнади. Бу ерлар бобонинг ўғли эди. Хув, анави сойликка саробаси — ҳовузи бор эди. Хали кўрасан, шундоққина ўрни турибди. Телалиқнинг кун бе-тида катта дон ўра қилинган. Сурув-сурув қўйлар бу ерларда эмин-эркин ўтларди. Худо эркинлигимизни кўп қўрди. Малловолар юртини олибди, бойларни олиб, фарзандларини қулоқ қилаётган эмиш, деган гапни эшитган бобонг кўп иштироб чекди. Хали-хали ёлмода. Ушанда у чўпонимизни қақриб, қўлидан тағини олиди ва: — Улгим, билдан рози бўлинг, — деди-да, чўпон тағини сурув ўртасига отди. Қўйлар иккига ажралди. Шунда: — Хоҳадан бўлагини ҳайдаб кетавер болам, бу сенинг қақиринг, Худо

(Давоми 2-бетда).

Юртим томон талпинган дўстлик

Дўстлик — самимий ва меҳр билан қоришиқ бўлса қудратли ҳисобланади. Ўзаро ҳурмат ва садоқат уни янада сайқаллантиради. Ўзбеклар билан японлар муносабати борасида сўз кетганда, аввало, икки халқнинг узоқ мезоғида бориб тақалувчи дўстлиги ҳақида тўхтамоқ жоиздир. Буюк Ипак йўли икки халқ тарихи муштараклигини янада жипслаган бўлса, муносабатимизнинг ҳамжihatлигини янада кўпайтирган бўлса, муносабатимизнинг янги қирраларини очди. Мен Президентимиз Ислам Каримовнинг Японияга ташрифини мағбуот нашрлари орқали қўзғатарканман, кунчиқар мамлакатда кечган йилларим беҳиштиёр ёлмога тушди. Тошкент давлат техника университетининг бизнес-

шириб, мазкур олий билим юрти магистратурасига ўқишга кирдим. Қўлаб дўстлар орттирдим: Санзукэ Макико, Масафуми Ёшида, Томохиро Кавани... Кеча уллардан электрон почта орқали хат олдим. Улар Президентимизнинг ташрифи тўғрайли Ўзбекистон япон матбуотининг асосий мавзусига айланиб қолганини, ҳарто Ўзбекистон тўғрисида виқторина саволлари эълон қилингани ҳақида ёзилибди. «Биз Президентимизнинг ташрифи давомида Ўзбекистон ҳақида янама тўлиқ маълумотга эга бўлдик, — деб ёзибди дўстим Макико ўз хатида. — Насиб этса, Бухоро, Самарқанд ва Тошкентни бори кўрамиз. Япония тарихи билан муштарак бўлган Термида бўлиб, археолог олим Рюзо Като фаолияти билан танишиш ниятим ҳам бор. Икки давлатнинг самимий дўстона муносабатлари бунга имкон яратиши шўбҳасиз». Мен дўстимнинг мактубини ўқиб ўз юртимдан, Ўзбекистонни дунёга танитган Президентимдан яна бир бор фахрланиб кетдим. Дўстимга ўзим ишлаётган ташкилот — «Узавтойўл» давлат акциядорлик концерни ҳақида, бу ерда Япония гранти асосида 10 миллион АҚШ долларига йўл қўрилиш техникаси олишга муваффақ бўлишимиз ва япон техникаси мамлакатимиз йўл қўрилишининг энг муҳим унасқаларида ишлатиладиганлиги ҳақида ёздим. Буларнинг барчаси самимий дўстлик, ўзаро ҳамкорлик натижаси эканлигини қайд этдим. Аъзам ХОЛМОНОВ.

ДИҚҚАТ! БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Абдухасанат Полвон-зода билан газет-хонларимиз ўртасида бевоСИТА мулоқот ўтказиш мўлжалланган эди. Режага мувофиқ, мулоқот 30 июль кунини бўлиб ўтди. Икки соат ичида республикамизнинг қарий барча минтақаларидан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг мухлислари шахсан вазири билан гаплашдилар. Адлия тизими-


КОРАҚАЛПОГИСТОН RESPUBLIKASI Жўқорғи Кенгесида

яқин беш йилда қишлоқ ҳўжалик тизимида ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш масалаларига бағишланган йилидаш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, қишлоқ ҳўжалигига дахлдор мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди. ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Давоми 2-бетда).

Кеч англаган ҳақиқат

60-йилларнинг боши эди. Узоқ қишлоқдан отамнинг 95 ёшли холаси қидириб келди. Уйимизда 3-4 кун меҳмон



Ер юзида

воқеалар
рақамлар
тафсилотлар

Ўзбекистон ва жаҳон

Кунчиқар давлат

унинг таълим соҳаси қандай?

«Сони» асосчиларидан бири Ибука ўзининг «Таълимни болалар боғчасидан бошлаш — жуда кеч қолинган иш» деб номланган китобида таълим бола дунёга келишидан бошланиб, то умрининг охиригача давом этиши керак, деб таъкидлайди.

Бу фикрни бекорга келтирганимиз йўқ. Зеро, таълим соҳасида Ўзбекистонда амалга оширилётган ишлар кўп жиҳатдан Япония таълим соҳасига ўхшаш. Албатта, фарқли томонлари ҳам мавжуд.

Японияда таълим тизими 1947 йилда қабул қилинган Таълим тўғрисидаги асосий қонун ва Мақтаб таълими тўғрисидаги қонун негизда амал қилади. Таълим тўғрисидаги асосий қонунда мувофиқ «ҳаққ болалар мактабларида 9 йиллик мажбурий бепул таълим олишларини ўз зиммасига олади». Худди Япониядагидек, Ўзбекистонда ҳам «Таълим тўғрисидаги Қонун» таълимнинг барча йўналишларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай имкониятлар яратди.

Японияда мактаб таълими бошланғич мактаб 1-6 ҳамда тўлиқсиз ўрта мактаб — 7-9 синфлари бўлинилади. Тўлиқ ўрта мактаб 15-18 ёшдаги болалар учун таълим олишига мўлжалланган бўлиб, мажбурий таълим тизимига кирмайди. Болалар таълимнинг умумий таълим ва касбий таълим бўлимларида ўқитилади. Умумий таълим гуманитар ва табиий-илмий фанлар йўналишига эга. Касбий бўлимда эса тижорат, саннат, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, уй иқтисодиёти ва беморларни паравариштириш йўналишлари мавжуд.

Ўзбекистонда эса «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва Қалдар таърифи миллий дастурига мувофиқ, 12 йиллик мажбурий таълим жорий қилинди. Унга биноан, 9-синфни битирган ёшлар академик лицей ёки касбухона коллежларида кириб ўқишни давом эттириши

мумкин. Япониядан фарқи уларок, Ўзбекистонда мактаб тизими умумий таълимнинг икки босқичини — бошланғич таълим I-IV синфлар, таълим тизими V-IX синфларни қамраб олади.

Японияда касбий таълим тўлиқсиз ўрта мактаблар — кичик коллежлар, университетлар ҳисобланади. Тўлиқсиз ва тўлиқ ўрта мактаб битирувчиларига муайян касбни ўргатиш учун Японияда икки турдаги: мажбурий мактаб негизда 1-4 йиллик ва тўлиқ ўрта мактаб негизда 1-2 йиллик махсус тайёргарлик мактаби тизими, шунингдек, бир неча ойдан то 1-2 йилгача муддатда таълим берадиган кўп тармоқли мактаблар ҳам ташкил этилган. Ўрта махсус таълим бериш Японияда (тўлиқ ўрта мактабларнинг битирувчилари учун) 2-3 йиллик, кичик коллежлар (тўлиқсиз ўрта мактаб битирувчилари учун) 5 йиллик техника коллежлари зиммасига юклатилган. Сунгги йилларда ахборот технологияси курсларига эҳтиж катта бўлмоқда.

Ўзбекистонда ҳам касбий таълим мавжуд бўлиб, у мажбурий 9 йиллик мактабни битирган ёшларни қабул қиладиган касб-хўна коллежларида, 9-синфни сўнг бола ўз хоҳишига қўйиши ё академик лицейга, ё касб-хўна коллежидан давом эттириши мумкин. Ўзбекистонда касбий таълим бериш 3 йиллик ўз ичига олади.

Японияда олий таълим университетлар, кичик коллежлар, техника коллежлари ва илтириланган курслардан иборат. Университетга кириш учун тўлиқ ўрта мактабни битириш талаб қилинади. Мутахассислар тайёрлашда давлат университетлари ахборот роль ўйнайди. Япониянинг узок вақтдан бери бошқа мамлакатлардан устунлиқ қилиб келатганлигининг сабаби «Джапан Инкорпорейтэд» бошқарув тизи-

мидир. Япониядаги бошланғич ва ўрта таълим жаҳондаги энг мукамал, самарали ва талабчан тизим ҳисобланади. Нафақат мўайян доирадаги одамларнинг, балки мамлакат бутун аҳолисининг эътибори таълимга йўналтирилган.

Ўзбекистонда Олий ўқув юртли республика ўзликсиз таълим тизимининг этакчи бўлини ҳисобланади. Олий таълим университетлари, институтлари ва бошқа олий таълимга дахлдор муассасаларда амалга оширилади. Давлат таълимда ҳам университетларга кириш учун ўрта мактабни, коллеж ёки академик лицейни тўлиқ битириш талаб қилинади.

Ўзбекистонда таълим рақобатбардорлик билан бевосита боғлиқ. Ҳақиқатан, ҳеч қачин бир давлат етук қалдрларга эга бўлмас, таълим соҳасида юқори чўққиларни қўлга киритиши мумкин эмас. Японларда таълимни боғичдан эмас, балки бола туғилганидан бошлаб бериш керак, деган ақидага амал қилинади.

Ўзбекистонда таълим боғичдан — болаларга ҳар хил тўғрақлар орқали чиқиши эшини ўргатади. Бундан ташқари, чет тиллардан бири ўргатилади. Японияда бўлгани сингари ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари ҳам бир йилда таълимдан 240 кун мактабга қатнайдилар. Қайси давлатда таълим бериши мутахассисларга яхши ҳақ тўланади, яхши шароит яратилса, таълим соҳасида ҳам юқори чўққиларга эришиш мумкин.

Япония таълим соҳасида эришган ютуқлари билан нафақат Осиёда, балки бутун жаҳонга танилган давлат ҳисобланади. Энг қувончли, ёшларимиз жаҳоннинг шундай давлатларида таълим олиш имкониятига эга. Улар олган билимлар натижаси ўзини кўрсатиши, шубҳасиз.

Азиз ЗИЯЕВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси.

Музокаралар бошлаш талаб қилинди

«Ei-Mundo» агентлигининг маълумотига қараганда, Марокаш қироли Муҳаммад VI Гибралтар бўғозидан жойлашган Сеут, Мелилья шаҳарлари

ҳамда қўшни оролларнинг Испания томонидан истило қилиниши тўғрисида зарурлигини таъкидлаган.

Шунингдек, расмий Работ Мадриддан Перохиль оролларининг статусини аниқлаш буйича музокаралар бошлашни талаб қилган.

дан бошқарув ускуналари билан жиҳозланган илк роботлар горларни текширишда асқотлади. Келгусида уларга 12 та видеокамера, гранатомёт ва пулемётлар ўрнатилиши мумкин.

Урушнинг охири борми?

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Конго Демократик Республикаси ва Руанда ўртасида имзоланган тинчлик шартномасини амалга оширишда Ўзбекистоннинг қўллашга киришиди. «Ассошейтед-пресс» агентлиги хабарига қўра, «Гермес» деб номланган, видеокамера ва масофа-

қўшни мамлакатларни тез орада БМТнинг Конгодаги миссияси билан шартнома буйича музокаралар бошлашга қақирган.

«Рейтер» ахборот агентлигининг маълумотига қўра, ушбу тинчлик шартномаси ҚДР ва Руандада 4 йилдан буйён давом этаётган урушга барҳам бериши лозим.

Олти миллионлик олтин танга

Нью-Йоркда ўтказилган «Sotheby's» аукционда бир дон олтин танга 6,6 миллион АҚШ долларига сотилди. Аслида 20 доллар қийматга эга бўлган олтин танга қарийб 70

йиллик тарихга эга. 1933 йилда ясалган ушбу тангаларнинг бир неча мингташи Америкада «Бук депрессия» иқтисодий инқирозидан чиқариш мақсадида президент Франклин Рузвельт қарори билан қайтадан қўйилган эди. «Лента.ру» маълумотига қўра, шу лойиҳага энг қийматга эга танга 1995 йилнинг август ойида аукционга қўйилган. Ушундан 1804 йилда ишлаб чиқарилган битта Америка кумуш долларни 4,8 миллионга сотилган эди.

«БИЗНЕС-БАНК»:

МИЖОЗ ИСТАГИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Бундан роппа-роса бир йил аввал пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган хусусий «Бизнес-банк»ни пул маблағларини шошилиқ равишда ўтказиш мақсадида республикамизда биринчи бўлиб «Western Union» тизимига ўтганди. Шундан сўнг мамлакатимиз ҳам пул маблағларини тезкор ўтказувчи 187-мамлакат сифатида рўйхатга олинди. Бу воқеа Молиявий хизматлар буйича банкларро марказда кенг нишонланиб, унда «Western Union» компаниясининг Австрия ва Москвадаги вакиллари ҳамда Ўзбекистондаги банк раҳбарлари иштирок этди.

Ҳеч муболагаисз айтиш лозимки, ана шу қисқа вақт ичида «Бизнес банк» Ўзбекистон молия бозорига миқозлар ишончини тўлиқ қозонишга эришди. Негаки, банк маъмурияти ўтган давр мобайнида миқозларга тезкор пул маблағлари ўтказиш усулининг дунё андозаларига мос турларини тақдим эта олди. Бундан ташқари, улар миқозларга янги-янги хизмат турларини тақиф қила бошладилар. Бугунги кунда банкнинг тезкор пул кўчириш усулидан 25 мин нафар миқоз фойдаланётганини бундан исботлаб турибди.

Яқинда «Western Union ДП Восток» вице-президенти Владимир Буско хусусий банкда амалга оширилатган бу ишларни юқори баҳолаб, тизимга дунё андозаси талабларига тўлиқ жавоб берадиган ноу-хаунинг жорий қилиниши миқозлар учун улкан имкониятлар эшигини очганини алоҳида қайд этди. У «Бизнес-

банк» раиси Мақсул Абдусаматовни тизимга самарали маркетинг сиёсатини жорий этгани билан қўлаб, банкка сифат сертификати берилганлигини маълум қилди.

Шу тариқа пул маблағларини тезкор ўтказиш тизими мамлакатимизда тўла синча қарор топди. Айниқса, бу жараён «Бизнес-банк» сингари хусусий банкларда шакллантирилганлиги янада қувончлидир. Мазкур усул дунё ама-лиётида кенг қўлланилганлиги боис ундан миқозлар тўлалигича баҳраманд бўлиш имкониятларига эгадир. Қолаверса, бу борада «Western Union» компанияси 129 йиллик тажрибага эга. Шу пайта қалар миқозларга тезкор

хизмат кўрсатиш юзасидан биронта ҳам эътироз олинмаганининг сабаби шунда. Эътиборлиси, миқоз қайси давлатда истиқомат қилишидан қатъи назар, у ўзига яқин ва қулай бўлган «Western Union» банкнинг истаган шохобчасидан фойдаланмоқда; у ўз номига юборилган пул маблағларини бор-йўғи ўн дақиқа ичи-

да олаётир.

Энг мумҳими, «Бизнес банк» орқали ўтказилган пул маблағлари махсус тизим орқали қимматли бўлиб, унинг хавфсизлиги тўлалигича қафолатланган.

Айни пайтда Ҳамдўстлик давлатларида «Western Union» компаниясининг 2500 тага яқин шохобчаси фаолият кўрсатапти. Бироқ улар ўсиб бораётган аҳолининг талабларини тўлиқ қондира олмайётгани аниқ. Шу боис компания томонидан унинг шохобчаларини янада кенгайтириш ва қўлайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Энди икки оғиз сўз тезкор пул ўтказиш учун олинган хизмат

ҳақлари хусусида. Шунини айтиш лозимки, агар сиз пул маблағларингизни олатдаги банклар орқали биронта манзилга жўнатмоқчи бўсангиз, истаисизми, йўқми, бунинг учун уч-тўрт кун вақтингизни кетказасиз. Ҳаттоки, ушбу банклар орқали энг тезкор усулда пул жўнатмоқчи бўсангиз ҳам, бир неча соат вақт ва қўшимча маблағ сарфлашингизга тўғри келади.

Хўш, унда нима қилиш керак? Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳеч иккиланмай «Бизнес-банк»га мурожаат қилсангиз, асло янглишмайсиз. Сабаби — жўнатган пул маблағингиз бир неча дақиқадаёқ мўлжалланган манзилгизга бўлади. Албатта бу ўринда бўндай тезкор пул ўтказиш жараёни ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун анчагина пул ундирилса керак, деган ҳаёлга боришингиз турган гап. Асло ундай эмас. Чунки, аввало, «Бизнес-банк»нинг доимий миқозлари ўтказилган пул маблағлари учун қанча пул ундирилишини яхши билади. Иккинчидан, ўтказилган сумманнинг қиймати-га қараб, хизмат ҳақи олинади. Қолаверса, бунда пул маблағини олувчи бир сўм ҳам ҳақ тўламайди.

Шундай экан, маблағингизни биронта манзилга шошилиқ равишда жўнатишга қарор қилган бўсангиз ёки сизни бу хусусдаги батафеил маълумот қизиқтиради, ҳеч иккиланмай «Бизнес-банк»га қўнғироқ қилинг.

Коллеж барно бўлмоқда

Қоровулбозорда 450 ўқувчига мўлжалланган саннат коллежи қурилиши тугаллини арафасида. Бу ерда менежмент, нефть ва газини замонавий асосларда қайта ишловчи, транспортни, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини ҳайдовчи ва таъмирловчи мутахассислар ҳамда чеварлар тайёрланади.

«Бухорожамоатқурилиши», 2-очик акциядорлик жамияти, 339-, 357-қурилиш-монтаж жамланмалари, шунингдек, бешта махсус фирма ҳамкорлигида қурилоётган ушбу ўқув даргоҳи Мустақилликнинг 11 йиллигига ишга туширилади.

Жамият ва дин

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази пойтахт ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Жамиятда диннинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида виждон ва эътиқод эркинлиги амалда тўла таъминланди. Дини ва эътиқодидан қатъи назар, барча миллат ва элал вакиллари эл тинчилиги, юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида баҳамжихат, тотув ва иноқ ишаб, меҳнат қилмоқда.

Таъкидланганидек, Имом Бухорий, Могуридий, Абдулоҳлиқ Фихудуновий, Марғиновий сингари ислом дини ривожига беҳисса ҳисса қўшган аждодаларимизнинг умуминсоний қадриятлар, ҳалоллик, инсонийлик, Ватанга садоқат ва муҳаббат, халқ хизматига қамарбасталик каби эзгу қасдларга ундовчи асарлари аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда, шунингдек, айрим фуқароларнинг бидиб-билмай дин ниқобига остида иш қўраётган турли экстремистик гуруҳлар тасиринга тушиб қолишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Элбек ХОЛИҚОВ,
ЎЗА муҳбири.

Лок-бўёқ маҳсулотлари бой хилма-хилликда

«ТОШКЕНТ ЛОК-БЎЁҚ ЗАВОДИ» ОТАЖИ

Харидорларга ўз заводида ишлаб чиқарилган ва буюн республикадаги фирмалари дўконларида, улеуржу ҳамда чакана усулда сотиладиган куйидаги маҳсулотларини тавсия этади:

ИЧКИ ВА ТАШКИ БЎЯШ ИШЛАРИДА Фойдаланиладиган МОЙЛИ БЎЁҚЛАР;

БИНОЛАРНИНГ Олд қисми учун АКРИЛ БЎЁҚЛАР;

ОЛИФ, ЛОК, ГРУНТОВКА БЎЁҚЛАР.

- Андижон вилояти:** «РАНГЛИ ЛОК», Куйганёр шаҳарчаси, Юсупов кўчаси, 16-уй, телефонлар: 22-24-53, 24-30-51; «ХУМО-Н», Андижон шаҳри, Бозор кўчаси, 2-«А»-уй, телефонлар: 25-68-45, 25-58-96; «Х.М.-ИРОДА», Ербоши к/к. Айриш маҳалласи, 113-уй, телефон: 25-24-72; «САМО-XXI», Андижон шаҳри, Э.Шуруров кўчаси, 1-уй; «КРИСТАЛЛ», Хужабод шаҳри, Навоий кўчаси, 121-уй, телефон: 1-23-34.
- Бухоро вилояти:** «ШОФИРКОН ЛОК-БЎЁҚ», Шофиркон тумани, Шомуродов кўчаси, 3-уй, телефон: 50-2-31-82; «ЭМАЛЬ», Фихудунов шаҳри, Хар-Хур кўчаси, 1-«А»-уй, телефон: 22-73-048; «РАНГЛИ ЛОК», Бухоро шаҳри, Мўминов кўчаси, 30-уй, телефонлар: (3652) 25-63-00, 25-02-00.
- Фарғона вилояти:** «ТОРГОВЫЙ ПУНКТ», Марғилон шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 105-уй, телефонлар: 35-45-07, 33-33-99; «А-САПФИР», Қўқон шаҳри, Давронбек кўчаси, 162-уй; «РАНГЛИ ЛОК», Қўқон шаҳри, Навбахор кўчаси, 64-уй, телефон: 4-59-10; «НАМКОР R&G» фирмаси, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 53-уй, телефон: 24-76-88.
- Наманган вилояти:** «РАНГЛИ ЛОК», Наманган шаҳри, Шимолый саннат зонаси, Косонсой кўчаси, 21-уй, телефон: 7-06-25; «РАНГЛИ ЛОК», Чортоқ шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй, телефон: 24-8-98, 23-6-04.
- Навоий вилояти:** «КАМАЛАК», Навоий шаҳри, Меъморлар кўчаси, 3-уй, телефонлар: 9-25-52, 9-23-80; «ДИЗАЙН», Навоий шаҳри, Карманча тумани, Р.Қамбаров кўчаси, 3-уй.
- Хоразм вилояти:** «ОҒАҲИЙ», Хива тумани, Оғаҳий хўжалиги, 6-бригада; «МЕРИ», Урганч шаҳри, Зарафшон кўчаси, 37-уй; «ШУХРАТ», Божобон кўчаси, 98-уй; «УРГАНЧ ТАЪМИНОТ И.А.К.», Урганч шаҳри, Отажонов кўчаси, 3-уй, телефон: 2-29-40-11.
- Кораканд вилояти:** «ЛОК-БЎЁҚ», Тўртқўл шаҳри, Нукус кўчаси, 5-уй, телефонлар: (8-361) 533-04-04, 532-11-87.
- Тошкент ва Тошкент вилояти:** «ПОРЛОК РАНГЛАР», Тошкент шаҳри, Чимбой кўчаси, 115-«А»-уй, телефон: 46-45-78; «БЎЁҚЛАР», Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 74-уй, телефон: 189-37-91; «ЛУЛАТ ЛОК», Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар кўрғони; «ЛОК-БЎЁҚ», Покент шаҳри, Бобур кўчаси, 16-уй.
- Жиззах ва Жиззах вилояти:** «ШОДЛИК», Жиззах шаҳри, Тўқимачи кўчаси.
- Самарқанд вилояти:** «РУХАНГИЗ», Тойлоқ кўрғони, Бахшитапа кўчаси, 1-уй, телефонлар: 8-36-82, 33-36-10, 8-53-48; «АЗИМЖОН», Самарқанд шаҳри, Қайрун кўчаси, телефон: 35-90-10; «БЎЮК», Самарқанд шаҳри, Саттета мавзеси, Г-34; «РАНГЛИ ЛОК», Самарқанд шаҳри, Догистон кўчаси, 14-уй, телефон: 35-81-77.
- Қашқадарь вилояти:** «ШАХРИСАБЗ», Шахрисабз шаҳри, Низомий кўчаси, 90-«А»-уй, телефон: 2-09-80, 2-19-02; «БЎЁҚЧИ», Қарши шаҳри, Насаф кўчаси, 304-уй, «Пактазор» микротумани, 21-уй, 39-хонадон; «ЛОК-БЎЁҚ», Қамали шаҳри, Гулшаний кўчаси, 27-уй, телефон: 21-2-94.
- Сурхондарь вилояти:** «ТЕРМИЗ ЛОК БЎЁҚ», Термиз шаҳри, «Тожи» боши бөрк кўчаси, 22-уй, «КАМАЛАК», Денов шаҳри, Аттор кўчаси, 94-уй; «АБДОЛАТ», Жайқурган шаҳри, Ғалабининг 40 йиллиги кўчаси, телефон: 21-5-98; «РАНГЛИ ЛОК», Шарғун шаҳри, Бобур кўчаси, 17-уй.

Улгуржи мол харид қилувчилар учун: Тошкент шаҳри, «TLZ» ОТАЖ, телефонлар: (99871) 169-03-89, 169-03-95.

«ТЕЗИНТОМ» ҚК БУЧИРОЙ ВА КАФОЛАТ ДЕМАҚДИР

«Тежинтом» қўнама корхонаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида 1 июнда 1-октябрдаги бўлган даврда бу маҳсулотлари нафислиги соғинари даражада қайта ишловчи лойиҳа қилди.

- МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА ВА УНГА КЕРАКЛИ ЖИҲОЗЛАР
- МЕТАЛЛИ ТУРФА РАНГЛИ ПОЛИМЕР ҚОҒЛАМА БИЛАН ПАРДОЗЛАШ
- ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛ ДЕВОРЛАР ВА ОСМА ШИФТЛАР ЧИҚАРИШ
- БАДИЙ САВИЯДАГИ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАР
- ТУРАР-ЖОЙ БИНОЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ - БЕШАШ МАСАЛАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мухоммадиев кўчаси, 1А-й. Телефон: + (998-71) 162-42-74, 162-78-59, 162-42-47. Факс: + (998-71) 162-41-05. E-mail: Tezintom

Мулоҳаза учун мавзу

Яхшилик тўрға Элтар, ёмонлик...

Нега бугун орамизда ўзига, ўзига хиёнат қилувчилар, ўз умрининг хотинлари — гиевандлар сонини ўрчиб бормоқда? Бунинг айбдорлари ким?

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотига кўра ҳозир республикада рўйхатга олинган гиевандлар сонини 18 минг нафардан ошди. Бу ўтган йилнинг айни даврига қараганда қариб 4 минг нафар кўпдир. Булар орасида ўмирлар 79, хотин-қизлар 1123 нафарни ташкил этишини эслашнинг ўзи маънавий нечоғли жиддийлигини аниқлатади.

Нега бугун орамизда ўзига, ўзига хиёнат қилувчилар, ўз умрининг хотинлари — гиевандлар сонини ўрчиб бормоқда? Бунинг айбдорлари ким? Нийди, ана шундай бадавлат одамлар билан қўлга бўлсанг. Қўлинг маликлардек яшарди, — дея орзу ҳам қилди. Бироқ ундай бўлмади. Шоҳона уйга келин бўлган қиз уч ой давомида маҳаллага қайтиб келди. Сабаби, кув «ингага ўтириб қолган» экан. Энг ачинарди томони, у келинчаки ҳам ўз сафида тортаётган экан. Қиз кўп даволанди. Бугун ўша маликликка даъвогар келинчақ ногирон боласини кўтариб, ҳар кун шифохонага қатнайдди. Унинг бой-бадавлат хонадондан ортигани биргина шу — ногирон фарзанд!

Эътироф этиш керак, ўзбек оиласида ҳар бир фарзанднинг ўз ўрни, ўз мавқеи бор. Кечагидай ёлғиз, болалигимизда ота-оналаримиз қачон мактабга боришимиздан тортиб қачон қайтишимизга қадар қатъий назорат қилардилар. Бирор жойга меҳмондорчиликка бориш у ёқда турсин, ота-онадан беришасанг кечкурундан отона ҳатлаб кўчага чиқиш ҳақида уйлаб ҳам ўтирмадик.

Бугун-чи? Нега бугун баъзи бир оилаларда назорат сусайиб кетди? Фарзандларнинг ўрни йўқола бошлади. Оилادا ўрни йўқола бошлаган фарзанд зиммасидаги масъулият ва бурчини ҳам унутиб қўймаётими?

Сиз бунинг инкор этмоқчимисиз? Унда тунги барларда, хибобларда дискотекаларда ярим тунгача бир-бирлари билан ялашиб-юлашаётган айрим ёшлар ҳам қайсида ота-онанинг жондек азиз фарзанди эканини инкор этмасиз? Ахир улар буй этган ўғли ёки қизини эътиборсиз қолдириб, қандай бемалол уқлай олади? Бу ташвишланарли ҳол эмасми? Агар сиз уларнинг ота-оналарига тунги клубларни «гуллатиб» юрган фарзандлари ҳақида бир оғиз сўз айтиб кўринг-чи, озгин-гиздан чиқмасдан ёқангизга ёпиштиришди. «Биз ёшлигимизда уйнаб қўлолмадик. Улар ўйнаб қўлишсин. Худода шукр, бунга имконият бор».

Мутахассисларнинг эътирофича, жаҳонда гиевандликка ружу қўйганлар сонини қариб 200 миллион бўлиб, энг дахшатлиси, уларнинг аксариятини 17-35 ёшгача бўлганлар ташкил қилар экан.

Одатда тақдирдан нарсаси бола учун сирлидир, уни қачон этиш жасоратгай туюлади. Аллоқибат эса... Пул даридида чегара постларидан турли хил найранглар билан ажал уруғини олиб ўтаётган ота, ўлимдан ҳам кўрқмай уни ошқозонидан саклаётган она эртага ана шу заҳри котил жондай жигарини ўз домига тортишни мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўраётими? Айни севиб-севиладиган ўн этиш ёшда бир-бирларига игна санчаётган, ўлим сари етаклаётган йигит-қизларни ким деб аташ мумкин?!

Утган йили бир маҳалладом бадавлат хонадонга қиз узатди. Тўйга борганлар кудаларнинг дангилла-на уйи-ю, бойлиги, шоҳона яшашлари ҳақида бир неча ой тинмай мақтандилар. Ҳатто бир кўшимиз: «Ка-

чак ногирон боласини кўтариб, ҳар кун шифохонага қатнайдди. Унинг бой-бадавлат хонадондан ортигани биргина шу — ногирон фарзанд!

Узимча ҳаёлга толаман. Гиевандликнинг илдизи қайда? Бефарқлик, лоқайдлик. Вужудимизни эгаллаётган ана шу иллат сабаб заҳри котил билан савдо қилётган востичани, бир-бирига игна санчаётган миллатошимизни, «кайф» тасвирини ҳар қандай қабилликдан қайтмайлигини кимсаларни бефарқ кузатамиз. Бу ҳол шундоққина ёшимизда, маҳалла-қўйда рўй беради. Биз эса «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган доно ҳикмати унутиб яшайверамиз. Аллоқибат эса гиевандлик, унинг ортдан СПИД номи ажал маҳалламизга, кўчамизга, ҳатто оиламизга ўрмалаб кириб келаверади. Биз уни янчи ташлашга шошилмаймиз. «Одамлар, огоҳ бўлинг, миллат келажиги хавф остида!» — дея ҳайқирмаймиз. Бунга биздаги лоқайдлик йўл бермайди. Фақатгина хавф оиламизга чанг соғинадиган кўшимиз очилади. Унда кеч бўлади.

СПИД билан касалланган беморларнинг 75 фоизини гиевандлар ташкил этиб, улар бу беморларни, асосан касалликнинг бир-бирини уқол қилиш орқали юқтирарканлар. Герон истеъмол қилувчилар ҳозирда 9832 кишини ташкил қилса, шундан 72 фоиз геронини шприц орқали қабул қилувчилардир. Энди улардан тугилган ўғлаб, юзлаб ногирон, майиб-мажруҳ болаларнинг тақдирини, истиқболсиз келажagini тасаввур қилаверинг.

Биз вужудимиздаги лоқайдликни енга олмас эканмиз, мактаблар, ўқув даргоҳларида ўтилатган гиевандликнинг зарари оқибатлари ҳақидаги машғулотлар, давра суҳбатлари, ҳуқуқ-тартиб ва тиббиёт ҳодимларининг наркологи диспансерлари клиник касалхоналарида даволанишлар ҳам етарли самара берайди.

Демак, шундай экан, огоҳ бўлинг! Атрофга тийрак кўз билан қараг. Биздаги лоқайдлик эртага фарзандларимизга, набираларимизга кўчада, бу бора-бора миллат фожиясига айланади. Келажакни асраш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш сизу бизнинг вужудимиздир.

Маъжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

КАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИДА
«ЭХТИРОМ» ЖАМГАРМА ОМОНАТИНИ (1 ЙИЛ МУДДАТГА)
ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Йилига 42% даромад келтирувчи ушбу омонатнинг талаб қилиб олинмаган фоизлари ҳар ойда капиталлаштирилганида даромад йилига 51,1%ни ташкил этади (омонатлар 50 ёшдаги ва ундан кекса бўлган фуқаролардан қабул қилинади).

Шунингдек, қуйидаги бошқа турдаги омонатларга ҳам пул қабул қилиш давом этмоқда:

«СЎМ КАРТОЧКАСИ» (пластик карточкалар қўлланилган ҳолда) — йилига 36 фоиз даромад келтирувчи ушбу омонатнинг талаб қилиб олинмаган фоизлари ҳар ойда капиталлаштирилганида даромад йилига 42,6%. Карточка эгаларининг ҳаёти ва саломатлиги бепул сугурталанеди.

«ТАЪТИЛ» (муддати 3 ой бўлган бу омонатнинг ҳисоб варақлари талаб қилиб олинмаган тақдирда шартнома муддати ўз-ўзидан узайтирилади) — йилига 36%;

«ТЎЁНА» (2 йил муддатга) — йилига 30%;

«САРПО» (3 йил муддатга) — йилига 31%;

«КЕЛАЖАК» (камида 5 йил муддатга) — йилига 40%;

«МУДДАТЛИ» (5 йил муддатга) — йилига 40%;

«ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА» — йилига 10%.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингиз сақланиши ва даромад келтиришига кафолат беради.



Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон рақамлари: (998-71) 137-62-83, 137-62-81 ёки Миллий банкнинг исталган муассасаси орқали олинган мумкин. www.nbu.com

ХИКАМАТ

Кимда беандоза сўзлар бордир, Бил, надомдан унга бисёрдир.



САВОЛ БИЗДАН...

Кўёшнинг 65 метри пирамидаси қаерда жойлашган?

136-35-60

Утган сонда бермаган саволнинг жавоби:

Рио-Гранде. Бу ҳақда тошкентлик А. Бурҳонов, Ф. Эшонхўжаев ва Г. Қўзимин хабар бердилар.

ЖИНОЯТ ФОШ ЭТИЛДИ

Ўрадаги сир

Юқори Чирчиқ тумани Алишер Навоий номи жамоа хўжалигида жойлашган хонадонлардан бирининг шундоққина бора ҳовлиси ўртасида шўбхали урга пайдо бўлди. Унинг устки қисми ҳар хил шох-шабба ва шифер бўлаклари билан беркитиб қўйилган эди...

Сиргади тумани ИИБга йўлдош-5 мавзеси 17-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Д.Наврўзов томонидан ариза келиб тушди. Унда май ойининг сўнги ўн кунлиги кечаларидан берида ўз уйи олдидан «ВА3-21011» русумли шахсий автомобилни номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганини кўрсатилган эди.

Ушбу ариза юзасидан воқеа жойига етилган туман ички ишлар ҳодимлари жиноятни ўрганишга киришдилар. Аммо ушбу ўғирликнинг очини осомаслиги сезилиб турар эди. Чунки оранда қариб беш-олти соат вақт ўтиб кетганини туғайди излар ҳам ўчган ва айни дамда жиноятчилар яширинганлиги аниқ эди. Боз устига, ғувоҳ ҳам йўқ эди.

Бундай вазиятларда қандай йўл тутиш лозимлигини яхши англаган тезкор гуруҳ вақиллари ҳар дақиқани ганимат қилиб, жиноятни очига киришдилар.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу машинанинг бенз гойиб бўлгани аниқгина шўбхалиги сабабли аввалдан жўяли бирон тўхтама келиш мумкин эди. Тезкор гуруҳ бошлиғи ҳаммасллари билан биргаликда ана шу жўбоқ устида бош...

Изуварақлар шу зайл бир неча пештахта қаторларини кўришди. Лекин... Шундан сўнг уларнинг кўнгилларида қотириди. Ҳар бир ҳодимнинг тақлиф ва фикр-мулоҳазалари тингланди. Эртаси кунги икки ҳодим жабрланувчи ҳамроҳлигида туман ҳудудига етиб эшитиб қисмлар бозорига борадиган, қолганлар эса кўн-қўшнлар ҳамда жабрланувчига ақдор бўлган бошқа кишилар билан суҳбатлашув учун жалб этилганлар бўлди.

Тонг маҳали авто эҳтиёт қисмлари бозорига етиб келган жабрланувчи ва ҳодимлар диққат билан бирма-бир пештахта қаторлари оралаб сотилаётган буюмлар ҳамда уларнинг эгаларини кўздан кечи...

ра бошладилар. Бозор ичи харидорлару сотувчиларга тўлиб кетган, ҳамма ўз ташвиши билан овора.

Шундай қилиб, фуқаро Д.Наврўзовнинг йўқолган «Жигули»-си топилди. Ҳамтовоқлар бугун бошли машинани қисмларга ажратиб, сўнгга дарҳол пулланини мўлжаллаган эканлар. Машинанинг ариздил эҳтиёт қисмларини таллашиб-тортишиб бўлиб олган шоввозлар унинг «кузовини» гумдон қилишда қаловлиниб қоладилар. Лекин қўлга киритилган ушбу ўлжадан из қолдириш хавфи эканлигини яхши билган тўртовлони уни бир жойга кўмиб, беркитишни афзал билди. Тун қоронғусида боғ ичкарисига киридилар-да, ўра қазинида ва...

Тўрт кунга қолмасдан ўзлари қазган ўрага тушдилар. Ўғирлар устидан жиноят иши қўзғатилди.

Самариддин ХАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази инспектори.

ички ишлар бўлимига олиб келинди. Дастлабки сўроқлардан оқибатда бу ишда ёлғиз бўлмаганлигини эътироф этиб, шериклари тўғрисида ҳам оқимай-тозимай гапириб берди.

Шундай қилиб, фуқаро Д.Наврўзовнинг йўқолган «Жигули»-си топилди. Ҳамтовоқлар бугун бошли машинани қисмларга ажратиб, сўнгга дарҳол пулланини мўлжаллаган эканлар. Машинанинг ариздил эҳтиёт қисмларини таллашиб-тортишиб бўлиб олган шоввозлар унинг «кузовини» гумдон қилишда қаловлиниб қоладилар. Лекин қўлга киритилган ушбу ўлжадан из қолдириш хавфи эканлигини яхши билган тўртовлони уни бир жойга кўмиб, беркитишни афзал билди. Тун қоронғусида боғ ичкарисига киридилар-да, ўра қазинида ва...

Тўрт кунга қолмасдан ўзлари қазган ўрага тушдилар. Ўғирлар устидан жиноят иши қўзғатилди.

Самариддин ХАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази инспектори.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲРОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙШБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иқтисодий-сўғий хайт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқор ҳаёт — 132-11-15;
Котибхона — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 777, 27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан сақлаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРПИЛОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ХАЙДАРОВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаввир — О. АБДУҲАМИДОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 22.00. 1 2 3 4 5 6

Оа хўжалиги, қўриқхоналар ва миллий боллар бошқармаси ОКПО 14929745 Тошкент шаҳар статистика бошқармасидан олинган гувоҳнома-нинг аса нухаси йўқолганини маълум қилади.

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги «Угам-Савдо» хусусий фирмаси тугатилди. ОКПО коди 17491120. Барча даво ва эътирозлар эълон чоп этилмаган кундан бошлаб икки ой давомида қуйидаги манзилада қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 61-уй.

«XXI asr Yoshlari» хусусий фирмаси Низом жамғармаси 2002 йил август ойидан қайта таъинланганини маълум қилади.

Хурматли юртдошлар!

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» ва «МАТЛУБОТСАВДО» вилоятлар акциядорлик компаниялари
2002 йилнинг 5 августидан 10 сентябргача
Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг барча туманларида янги ўқув йили муносабати билан
«МАКТАБ БОЗОРЛАРИ» ташкил этади.
Сизлар ушбу «Мактаб бозорлари»дан ўқув куроллари, адабиётлар ва дарслик китоблари ҳамда 20 фоизгача арзонлаштирилган нархларда болалар кийим-кечаклари, пойабзаллари ва бошқа саноат молларини харид қилишингиз мумкин.
МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

АЗИС ЎҚУВЧИЛАР ВА ҲАМШАҲАРЛАР!

Халқаро ва хусусий савдо, тижорат, умумий оқватланиш шохобчалари, қўшма ва шахсий рестороанларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, албатта махсус тайёргарликдан ўтган бўлишлари ҳамда бу ҳақда маълум ҳужжатга эга бўлишлари лозим.

СИЗЛАР УЧУН!

8 - БИЗНЕС МАКТАБИ

(РЕЖАЛАШТИРИЛАТГАН НОМИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕНЕЖМЕНТ ВА ТЕХНОЛОГИЯ КОЛЛЕЖИ)

қуйидаги йўналишлар бўйича 2002/2003 ўқув йили учун 2002 йил 20 августгача қабул эълон қилади:

- Умумий оқватланиш (ошпазлик, европача ва шарқона таомлар, қандолатлар, нон ва нон махсулотлари технологияси).
- Ресторан иши (буфетлар, барлар ишини ташкил қилиш ва хизмат кўрсатиш: метродотель, официант).
- Савдо (озик-оқват, саноат, қишлоқ хўжалиги махсулотлари савдосини ташкил этиш, ташқи савдо: қўшма тижорат корхоналари, фирмалар маркетинги).
- Бухгалтерия ҳисоби (барча тармоқларда замонавий халқор бухгалтерия ҳисоби юритиш асослари).

Кўчдаги бўлимда ўқш муддати: 9-синф базасида — 3 йил (бюджет асосида); 11-синф базасида — 1 йил (шартнома асосида).
Сиртки бўлимда ўқш муддати: 9-синф базасида — 3 йил (бюджет асосида); 11-синф базасида — 2 йил (шартнома асосида).

МАЛАКА ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИДА халқаро иқтисодий муносабатлар; жаҳон иқтисодиёти; халқаро молия ва банк иши; кредит ва халқаро валюта кредит муносабатлари; халқаро ҳуқуқ асослари қисқа муддатли курслари билан бир қаторда юқоридagi соҳаларда хизмат қилиб келатганлар ва янги ўз ишини бошлашчилар учун 1, 2, 3 ойлик пуллик тайёрлов курслари ташкил этилмоқда. Ўқш якуни бўйича ТЕСТ АСОСИДА тегишли тартибда белгиланган намунадаги СЕРТИФИКАТ БЕРИЛАДИ.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд-Дарвоза к., 60-уй. Телефонлар: 78-82-69, 78-27-43.
СИЗНИ КУТАМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти дивони жамоаси дивонининг масъул ходими С. Абдувалиева падари бузуқворни

АБДУВАЛИ ОШИРИЙ
вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати, клиника ва жамот таъшиқотлари «Истология, эмбриология ва цитология» кафедрасининг профессор-маслаҳатчиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аربоби, Бегурий номи Давлат мукофотининг лауреати
Комилжон ЗУФАРОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси академиги
Комилжон ЗУФАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси жамоаси маҳаллий телекўрсатув ва радиоташкилотлари бошқармаси бошқарувининг ўринбосари Абдусамид Исҳоқов вафотидан

Мубараклов ИСОҚОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси нашриётнинг етакчи илмий муҳаррири Муҳаббат Рауилова вафотидан